



TARAKKIYET TADQIQOTLARI | ИССЛЕДОВАНИЯ РАЗВИТИЯ DEVELOPMENT STUDIES

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНЛАР | НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ КОНФЕРЕНЦИИ
SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCES

Volume II, Issue-19, (July) 2024

Journal homepage: <https://inashr.uz/index.php/rid>

САМАДОВ Турсунбой Адхамжонович

Наманган давлат университети

мустақил тадиқотчиси

ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада замонавий Ўзбекистонда ижтимоий капиталнинг ривожланиш босқичлари ва этник хусусиятлари ҳақида айрим мулоҳазалар берилган. Шунингдек, бугунги кунда ижтимоий капиталнинг таркибий қисмлари ва ривожлантириш омиллари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, мақолада юқори ижтимоий капиталга эга жамиятлар соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий-иқтисодий соҳалари муваффақиятли ривожланган, жиноятчилик даражаси бу мамлакатларда паст кўрсаткичларга эга бўлган мамлакатларни тажрибаларини ўрганиш. Ижтимоий капитал жамиятдаги жараёнлар ва функцияларни қўллаб-қувватлашда, инсон капиталининг ишлаши учун шарт-шароитлар яратишни назарда тутади.

Калит сўзлар: ижтимоий капитал, ижтимоийлашув, жамият, ишонч, ахлоқ, маънавият, истеъдод, қобилият, бирдамлик ва келишувчанлик.

Замонавий Ўзбек жамиятида таълим-тарбияни ривожлантиришга қаратилган эътиборни янги даври бошланди. Миллий тарбия тизимини шакллантириш, барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ундан фойдаланиш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтиришга мустаҳкам замин яратилган. XXI асрда мамлакатнинг иқтисодиёти, инсонлар ҳаёти ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ахборот-технологияларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган даврда илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бориши сезиларли даражада кундалик турмуш тарзига айланмоқда. Бу, бир томондан, фан-техника янги соҳа ва бўлимларининг тараккий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Ҳар қандай жамият ривожланишининг асосий мақсади аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган бўлади. Жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини, иқтисодий ривожланишини, тинчлигини таъминлаш, инсон соғлом ва фаровон ҳаёт кечириши учун давлат кучли ижтимоий сиёсат олиб боради. Шуларни инобатга олганда, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” [1] дастлабки босқичларидан аҳолининг турмуш аровонлиги ҳамда ҳаёт сифатини таъминлаш юзасидан катта яратувчилик ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда Давлат бюджетининг 60 фоизидан ортиғи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ҳаёт сифати даражасини юксалтириш билан биргаликда мамлакатда ижтимоий капитални ривожланиб боришида замин бўлади.

“Ижтимоий капитал” иқтисодий адабиётларда жуда кенг қўлланилган тушунчалардан биридир. Чунки ижтимоий капитал давлатнинг ижтимоий ривланишида муҳим аҳамият касб этади.

Илмий адабиётларда “Ижтимоий капитал” атамасини Л.Дж.Ханифан [2, Б.138-139] томонидан биринчи бўлиб 1916 йилда кичик қишлоқ жамоаларидаги ижтимоий муносабатлар тарзида талқин қилинган. 1980 йилга келиб, Франсуз сиёсатшунос олими П.Бурхе [3] “Ижтимоий капитал” атамасини сиёсий ва социологик талқини илмий назарий асосини яратди. Шунингдек, америкалик олимлар сиёсий тадқиқотчи Дж.Каулман (1990), социолог А.Портес (1986), Р.Патнэмлар (2000) ижтимоий капитални феномени, шаклланиш ва ривожланиш манбаларини тадқиқ этишган. Маҳаллада ижтимоий капитал ҳамда давлат ва жамиятини барқарор ривожланишида асрлар мобайнида шаклланиб келган ўзига хос миллий кадриятлар, анъаналар, урф-одатларга таянилади. Фикримизча, Исломи дини асосида Марказий Осиёда халқлари ҳаётида ижтимоий капиталнинг вужудга келиши ва ривожланишининг бирламчи манбааси ҳисобланади. Муқаддас динимиз Исломида ва Ҳадисларда инсонлар ўртасидаги бир бирига бўлган ишонч, омонатга ҳиёнат қилмаслик, ёлғон гапирмаслик, ўғирлик қилмаслик, ота-оналарга, ўзидан катта ва кичикларга ҳамда ўзгаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш - ижтимоий капитални мустаҳкамловчи асосий элементлар ҳисобланади. Аксинча, ёлғон гапириш, ваъдасида турмаслик, ғийбат, ўғирлик қилиш каби иллатлар инсонларни бир биридан совутади. Натижада жамиятда парокандалик вужудга келиб, давлат бошқарувида ҳар томонлама таназзул юз беради [10].

Социолог М.Содиржонов ўзининг тадқиқотларида ижтимоий капитал-инсонларнинг ўзаро ижтимоийлашуви натижасидир. Кишилар ўртасидаги хатти-ҳаракат нормалари ва ўзаро ижтимоий таъсир механизмларини яратади. Ижтимоий капитал кенг маънода жамиятдаги моддий ва маънавий кадриятлар мажмуидир. Шунингдек, жамиятда инсонларнинг умуминсоний ахлоқ қоидалари тизимидаги ишончли фолият кўринишидир.

Ижтимоий капитал ривожланишида қуйидаги тушунчалар муҳим аҳамият касб этади [9, Б. 43]:

Биринчи, ўзаро ишонч – ҳар бир инсон ижтимоий-иқтисодий муносабатларга киришиш жараёнида ўзаро ишонч омили асосида миллий урф-одатлар ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш каби ғояларни риволантириш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи, ижтимоий капиталда ижтимоий келишувчанликни қуйидагича таъминлаш мумкин, ижтимоий ҳамжиҳатлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ва этник муносабатлардаги мўътадилликка эришилади.

Учинчи, ижтимоий бирдамлик – ижтимоий капиталнинг муҳим компонентини ташкил этади. Кишилиқ тарихи ва ривожланган давлатлар тажрибасида (“япон характери”, “корейс табиати”) ҳам ушбу омил ўзини оқлаган. Ижтимоий бирдамликни таъминлаш – ижтимоий зиддият ва тенгсизликларнинг ўзларини адолатсиз равишда ҳамма нарсдан бебаҳра бўлиб қолган ёки ҳақ-ҳуқуқлари камситилган деб ҳисобловчи бутун-бутун аҳоли гуруҳлари ва табақалари вужудга келадиган даражага бориб етмаслигига эришиш демакдир.

Тўртинчи, ижтимоий адолат жамият ҳаётининг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олади. Фуқаролик жамиятида инсон ўз шахсий ҳаёти ва жамоавий турмуш тарзида адолат тамойилларининг намоён бўлаётганлигини кўриб, адолатпарварликни идрок этгандагина, унинг инсонпарвар ижтимоий тузум эканлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин бўлади. Лекин, ушбу жараёнда ижтимоий адолат тамойиллари инсон ҳақ-ҳуқуқлари, умуминсоний кадриятлар қонунларига тўла риоя қилишини ҳам тақозо этади.

Ҳар бир жамиятнинг узоқ тарихий жараёнлари, инсонларнинг ижтимоий ҳамкорлик ва анъаналари замирида ривожланади. Ривожлантириш эса, ўзаро ишонч, ижтимоий кадриятлар, давлат ва нодавлат ташкилотларда кўнгилли иштироклари, фаоллик ва ташаббускорлик каби омилларида намоён бўлади. Бунинг учун эса замонавий ўзбек жамиятида инсонлар ўртасидаги муносабатларни мобиллаштириш ва ўзаро ишончни ортиришга ёрдам берувчи, турли факторлар индивидуал ва жамоавий ҳамкорлик, мулоқот, умумий муносабатлар ўрнатиш йўли орқали ижтимоий капитални жамиятнинг муайян потециал ва унинг ажралмас қисмига айлантирилади.

Ижтимоий капитал-инсонларнинг ўзаро ижтимоийлашуви натижасидир. Кишилар ўртасидаги хатти-ҳаракатлар нормалари ва ўзаро ижтимоий таъсир механизмларини яратади.

Ижтимоий капитал кенг маънода жамиятдаги моддий ва маънавий қадриятлар мажмуидир. Шунингдек, жамиятда инсонларнинг умуминсоний ахлоқ қоидалари тизимидаги ишончли фолият кўринишидир.

Адабиётларда “Ижтимоий капитал” тушунчасига берилган таърифларда фаровонлик ва ривожланиш омиллари сифатида ахлоқ-одоб нормалари, ишонч ҳамда самарали ҳамкорликдаги фаолиятларга этибор қаратилган. Шунинг таъкидлаш керакки, ишонч ҳар қандай ижтимоий капиталнинг умумий хусусиятидир. Ишонч-ижтимоий капиталнинг асосий ва зарур шарт ҳисобланади. Тўпланган ижтимоий капитал шахсининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий мақомини белгилашда ҳам қўлланилади. Замонаий жамиятда стратификация тизими фақатгина иқтисодий омиллар билан ўлчанмай, балки ижтимоий омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, немис файласуфи Н.Луман таъкидлашича, ишонч ижтимоий механизм сифатида ноаниқ социал муносабатларни бошқаради ва таваккалчиликни камайтиради [4].

Ф. Фуқуяма томонидан ишончга асосланган ижтимоий капитал тушунчаси киритилган: “Ишонч” - бу кишиларнинг маълум бир мақсад ва натижа учун ўзаро келишган ҳолда, эҳтиёжларнинг қондирилишга қаратилган ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Ижтимоий капитал ва ресурслар манбаларини вужудга келишида оиланинг рўли беқиёсдир”[5, Б.64] дея тариф беради.

Буюк мутафаккирларнинг инсон ва унинг ижтимоийлашуви ҳақидаги қарашлари ҳам турлича. Хусусан, Абу Али ибн Сино: “инсон бошқаларнинг эҳтиёжларини қондириши сабаблигина инсон бўлади, бошқалар ҳам шундай йўл туттади. Биров экин экади, бошқа одам нон ёпади, учинчиси кийим тикади, тўртинчиси игна ясайди ва ҳамма бир-бирининг эҳтиёжини қондириш учун тўпланади” [6, Б.120] деб кўрсатган.

Абу Наср Фаробий, “турли урушлар ва зўравонликлар ёрдамида инсонлар жамиятга бирлашадилар” деган фикрларга қарши чиқиб, “жамият – бу энг аввало фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида шаклланган ихтиёрий уюшма деган ғояни илгари суради” деган хулосага келган [7].

Фаробий ўзининг “Фозил шаҳар одамлари қарашлари” асарида жамият (“инсон жамоаси”)нинг келиб чиқиш сабабларини илмий жиҳатдан асослаб беради: “Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, унинг бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш кишилик жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришмоқ учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон кўпайди ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашадилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди” [8, Б.18-19].

Ижтимоий капиталнинг вужудга келтирувчи сабаблари ва уни ривожлантирувчи бир нечта омиллар мавжуд:

1. Оила – ҳар бир оила ижтимоий муносабатларни ўзига хос тарзда акс эттиради. Шунга кўра, оиланинг болага таъсири специфик, ўзига хос бўлгани учун, унинг маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланиши ҳам ўзига хос ва тақдорланмасдир. Ижтимоий капитал ва ресурслар манбаларини вужудга келишида оиланинг рўли беқиёсдир.

2. Мактаб – ижтимоий-маданий ривожланишнинг муҳим босқичи.

3. Маҳалла – тўй-ҳашам, ҳашар, урф-одатлар тараннуми, маросим ва анъаналардаги иштироклар асосида ворисийлик омили тараққий этиб боради.

4. Этник гуруҳлар ва муносабатлар – аҳолининг ўзликни англаш даражаси, фуқароларнинг ҳаёт мазмуни, кундалик турмуш тарзи, миллатга хос миллий минталитет.

5. Ижтимоий ҳаракатлар, ижтимоий институтлар, жамоат ташкилотлари – таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантиришчи дастур ва ҳаракатлар. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий шароитлар ҳамда жамоат ташкилотлари ва кўнгилчилар уюшмаларининг ўзаро самарали ижтимоий алоқалари тизимидан ташкил топади. Натижада, жамият ўзининг коммуникацияларини, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий соҳаларига тегишли принциплардан фарқ қиладиган, ўзига хос қонуниятлар – тенглик, бирдамлик, очиқлик, ўзаро ҳурмат, ишонч асосида шакллантирилади.

Ижтимоий капитал ишбилармонлар ишчилар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиради, шунингдек маълумот олиш жамоавий қарор ва самарали жамоавий ҳатти-ҳаракатларга имконият яратган ҳолда иқтисодий ривожланишга туртки беради. Ўзаро ишончнинг юқори даражаси ҳамкорлик, ўзаро тушуниш буларнинг барчаси жамоавий ижтимоий капитални ташкил этади. У қанчалик ривожланган бўлса, жамоа шунчалик кўп мувафақиятга еришади. Ижтимоий капитални ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар махсус шакллантирилиши мумкин. Бир ташкилот доирасида олиб қараладигон бўлса, ижтимоий капиталга путур йетказувчи бир қатор омиллар мавжудлигини еътироф этиш лозим бўлади. Жумладан ташкилотларда махсус ихтисосликка мўлжалланган лавозимларнинг бўлмаслиги, яъни қабул қилинган ҳар қандай ходим мутахассислигидан қатъий назар бўш лавозимга тайинланиши амалиётини кўрсатади.

Мамлакат тараққиётига эришишида ижтимоий капиталнинг зарурати ошиб бориб у – ўзида ижтимоий фаровонликка эришиш, жамиятнинг ижтимоий-маънавий барқарорлигини таъминлайди.

Мамлакат ижтимоий капиталини ривожланишида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳада юз бераётган ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида инсоннинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, шахсий ҳуқуқларни поймол қилдирмаслик, демократик ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш, хуллас, инсон кадр-қиммати, кадриятларини эъзозлаш асосий мезон ҳисобланади.

Жамиятда ижтимоий капитални яратиш заруратида енг аввало ижтимоий капитал моҳиятини тўлиқ англаб олиш учун жамият борлиғи ҳусусида тасаввур ҳосил қилиб олиш муҳимдир. Маълумки жамият соҳалар ва социал структуралардан иборат яхлитликни ташкил этади. Ижтимоий фаолият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда амалга оширилади.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида маънавий муносабатлар муҳим ўрин тутаяди. Бу онгнинг барча жиҳатлари, маънавий фаолият ва мавжуд ғоялар, қарашлар билан боғлиқ инсонийлик муносабатларидир.

Шахснинг ижтимоий ресурслари ҳаёт тарзига мувофиқ шаклланади ва кейинчалик амалга оширилади, бунда инсон капитали ва ижтимоий капитал ўртасидаги алоқадорлик ҳақида батафсилроқ тўхталиш лозим. Юқори қайт етилганидек, турли шаклдаги ишлаб чиқариш воситаларида ўз ифодасини топган. Моддий капитал унга инсон капиталининг кўшилиши билан кенгайиб боради. Бунга дастлабки автомобилларнинг содда технологиялари юқори билим ва малакага еришган муҳандисларнинг кучи билан такомиллашиб борганлигини мисол келтириш мумкин. Ишлаб чиқариш воситаларини такомиллаштириш орқали моддий капитал қанчалик ўстирилса, ижтимоий капитал ҳам кўникма ва қобилиятларни ривожлантиришда ички жараён орқали ривожланади.

Ижтимоий капитал мавжудлиги кишилараро муносабатларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлиб, фаолиятни осонлаштиради. Моддий жисмларда ифодаланган жисмоний капитални кўриш ва ҳис қилишнинг имкони бўлса, инсон капитални ҳис қилиш анча мушкул. Кишилар ўртасидаги муносабатлар ўз ифодасини топган ижтимоий капитални ҳис қилиш еса янада мушкулроқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ЎзР Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Hanifan L.J. The Rural School Community Centr, annaks of the American Academy of Political and social Sciences, 67, 1916. Pp. 130-138.
3. Bourdie P. The forms of capital // Handbook of theory and research for sociology of Edication. Ed. by J. Richardson. New York: Greenwood Press, 1986
5. Luhmann N. Trust and Power. Willy, 1979. P.1-3.
6. Фукуяма Ф. Доверие: социальнке добредетели и путь к процветанию: пер. с. Англ. / Ф.Фукуяма. – М, 2008 С. 64.
7. Рахимов С.Р. Психолого-педагогические взгляды Абу Али ибн Сино. – Т.: Ўқитувчи, 1979. С.120.
8. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Тошкент: А.Қодирий ном. Халқ мероси нашриёти.1993.
9. Содиржонов М. М. Инсон капитали ривожланиш жараёнларининг этносоциологик хусусиятлари (Фарғона водийси мисолида). Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2022. – Б. 43.